



2016 й.г. « 6 » ИЮН

№ 2006-К

Тумандаги “Гулобод тонги” газетаси тахририяти ва “FAROVON FAYZ BINOKOR” масъулияти чекланган жамиятига “Даштакиболо” кишлок фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғонида тахририят биноси, китоб ва ўқув қуроллари савдо дўкони ҳамда енгил овқатланиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

Тумандаги “Гулобод тонги” газетаси тахририяти ва FAROVON FAYZ BINOKOR” масъулияти чекланган жамияти туман ҳокими номига “Даштакиболо” кишлок фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони худудидан тахририят биноси, китоб ва ўқув қуроллари савдо дўкони ҳамда енгил овқатланиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган хатлари, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, “Самфуқаролойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 11 майдаги 45 сонли хулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлок хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Тумандаги “Гулобод тонги” газетаси тахририяти ва “FAROVON FAYZ BINOKOR” масъулияти чекланган жамиятига “Даштакиболо” кишлок фуқаролар йиғини “Гулобод” кўрғони бош режасидан тахририят биноси, китоб ва ўқув қуроллари савдо дўкони ҳамда енгил овқатланиш шахобчаси қуриш учун 0.06 га (шундан FAROVON FAYZ BINOKOR” масъулияти чекланган жамиятига китоб ва ўқув қуроллари савдо дўкони ва енгил овқатланиш шахобчаси қуриш учун 126 м.кв., иккинчи қаватида майдони 144 м.кв. “Гулобод тонги” газетаси тахририяти қуриш учун, 0,04 га умумий фойдаланиш учун) кишлок хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира